

ФИСКАЛ ИНСТИТУТ



Мавзу: Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи маъмуриятчилиги

***Марузачи:* катта ўқитувчи Ғ.Рузиев**

Тошкент - 2023 йил

Мавзу: Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи маъмуриятчилиги

Режа:

- 1. Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар, солиқ объектлари ва базаси**
- 2. Мол-мулк солиғи ставкалари ва солиқ имтиёзлари ҳамда уларни қўллаш хусусиятлари**
- 3. Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби**

Таянч сўз ва иборалар

Турар жой, нотурар жой, уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари, бино, иншоат, ёрдамчи-хўжалик иморатлари, мол-мулк солиғи, ставка, имтиёз, коэффициент, тўлов муддати.

1. Мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар, солиқ объектлари ва базаси

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ мулкида солиқ солиш объекти деб тан олинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ҳолдаги ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг *солиқ тўловчилари* деб эътироф этилади.

Агар мол-мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, шунингдек кўчмас мулк мулкдори вафот этган тақдирда, бу мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс *солиқ тўловчи* деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 419-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қуйидаги мол-мулк жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг *солиқ солиш объекти* ҳисобланади:

- 1) уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовли иморатлари;
- 2) тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари;
- 3) қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектлар.

Қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан

эйтиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради.;

4) кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати *солиқ базаси* ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси *қирқ икки миллион сўмдан* кам бўлиши мумкин эмас.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, *мол-мулкнинг шартли қиймати* Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек вилоят марказларида қирқ икки миллион сумнинг *беш баравари* миқдорида, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса қирқ икки миллион сўмнинг *икки баравари* миқдорида солиқ базаси ҳисобланади.

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича солиқ тўловчи бўлган тақдирда, **солиқ базаси ҳар бир объект бўйича алоҳида** ҳисоблаб чиқилади.

2. Мол-мулк солиғи ставкалари ва солиқ имтиёзлари ҳамда уларни қўллаш хусусиятлари

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкалари солиқ солиш объектларининг кадастр қийматига нисбатан, шунингдек айрим ҳолларда солиқ солиш объекти тури (турар ёки нотурар), жойлашган жойи, умумий майдонини ҳам ҳисобга олинган ҳолда Солиқ кодексининг 422-моддасида белгилаб қўйилган.

Жумладан, солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Солиқ солиш объектлари	Солиқ ставкалари, %
1.	Уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари (бундан умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлганлари мустасно), кўп квартирали уйларга узвий боғлиқ бўлган автомашина турар жойлари, шунингдек бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар	0,28
2.	Шаҳарларда жойлашган уй-жойлар ва квартиралар, умумий майдони:	
	200 кв.м дан ва 500 кв.м га қадар бўлганлари	0,37
	500 кв.м дан ортиқ бўлганлари	0,49
3.	Бошқа аҳоли пунктларида жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ортиқ бўлган уй-жойлар ва квартиралар, дала ҳовли иморатлари	0,37
4.	Тадбиркорлик фаолияти учун ёхуд юридик шахсга ёки яқка тартибдаги тадбиркорга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари	1,5

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан рўйхатга олинмаган янги қурилган уй-жойларга нисбатан солиқ ставкаси кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан тақдим этилган ахборот асосида мулкнинг шартли қийматига нисбатан икки баравар миқдорида қўлланилади.

Худудларнинг ва фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ўрнатилган солиқ ставкаларига 0,7 дан 1,3 гача бўлган ораликдаги камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 480¹-моддасида махсус солиқ ставкалари қўлланилишини назарда тутувчи солиқ солишнинг алоҳида тартиби қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг алоҳида худудлари: Фарғона вилоятининг -Сўх тумани; - Риштон туманининг Чўнғара маҳалласи; Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси худудларида жойлашган кўчмас мулк объектларига Солиқ кодексининг 422-моддасида белгиланган мол-мулк солиғи ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади.

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойдан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ яшаш учун мўлжалланган жойлар учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўланади.

Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 3 фоиз миқдорида белгиланади.

Солиқ кодексининг 421-моддасига асосан қуйидагиларнинг мулкида бўлган мол-мулк солиқ солишдан озод этилади:

1) «Ўзбекистон Қаҳрамони», Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражадаги Шухрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг.

Мазкур имтиёз тегишинча «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони дафтарчалари, орден дафтарчаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг маълумотномаси асосида берилади;

2) уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек доираси қонунчилик билан белгиланадиган, уларга тенглаштирилган шахслар.

Ушбу имтиёз уруш ногиронининг (қатнашчисининг) тегишли гувоҳномаси ёки мудофаа ишлари бўйича бўлимнинг ёхуд бошқа ваколатли органнинг маълумотномаси асосида, ногиронлиги бўлган бошқа шахсларга (қатнашчиларга) ногиронлиги бўлган шахснинг (қатнашчининг) имтиёзларга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномаси асосида берилади.

3) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ҳамда бева хотинлари (бева эрлари).

Ушбу имтиёз «Ҳалок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штамп қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, солиқ имтиёзи уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа идоралар томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади.

Тегишинча собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) солиқ имтиёзи фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади.

4) энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар қайта тикланадиган энергия манбалари ўрнатилган ойдан эътиборан уч йил муддатга;

Мазкур имтиёз энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида энергия таъминоти ташкилотлари томонидан берилган маълумотнома асосида тақдим этилади.

2023 йил 16 февралдаги пқ-57-сон қарори билан:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солигини тўлашдан улар фойдаланишига топирилган пайдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — ўн йил муддатга озод этилади.

5) етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар. Мазкур имтиёз етим болаларга ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат томонидан ажратиладиган уй-жой учун улар йигирма уч ёшга тўлгунига қадар амал қилади.

Қўйидаги жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган мол-мулк олтмиш квадрат метр доирасида солиқ солишдан озод қилинади:

1) ўн нафар ва ундан ортиқ болалари бор ота-оналаридан бирининг. Мазкур имтиёз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг болалар борлигини тасдиқловчи маълумотномаси асосида берилади;

2) пенсионерларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси асосида берилади;

3) I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг. Мазкур имтиёз пенсия гувоҳномаси ёки тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг маълумотномаси асосида берилади;

Мазкур солиқ имтиёзларига эга бўлган шахслар солиқ имтиёзини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органларига мустақил равишда тақдим этади.

Солиқ кодексининг 421-моддасида белгиланган солиқ имтиёзлари мулкдорнинг танловига кўра фақат битта яшаш учун мўлжалланган кўчмас мулк объектига татбиқ этилади, бундан энергия ресурсларининг амалдаги тармоқларидан тўлиқ узиб қўйилган турар жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги ПҚ-1902-сонли қарорига асосан 2020 йил 1 июлгача жисмоний шахслар, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури доирасида, ипотека кредитини тўлаб бўлмагунга қадар, харид қилинган уй-жойлар бўйича мулк солиғини тўлашдан озод қилинадилар.

3. Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби

Солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъи назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги солиқ органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан

ўтказишни амалга оширувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январдаги ҳолатига кўра бўлган кадастр қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Умумий майдони 200 кв.метргача бўлган турар жойлар учун
мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Хонадоннинг кадастр қиймати 96 млн. сўм, умумий майдони 190 кв.метр

ЕЧИМИ:

Мол-мулк солиғи суммаси : $96\ 000\ 000 \times 0,28\ \% = 268\ 800$ сўм.

Умумий майдони 200 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жойлар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Вилоятдаги туманда жойлашган хонадоннинг кадастр қиймати 154 млн. сўм, майдони 240 кв. метр.

ЕЧИМИ:

Мол-мулк солиғи суммаси: $154\ 000\ 000 \times 0,37\ \% = 569800$ сўм.

Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган турар жойлар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Шаҳардаги хонадоннинг кадастр қиймати 180 млн. сўм, мулк майдони эса 310 кв.м.

ЕЧИМИ:

- Солиқ суммаси: $180\ 000\ 000 \times 0,37\ \% = 666\ 000$ сўм.

Шаҳарларда жойлашган умумий майдони 500 кв.метрдан ортиқ бўлган турар жойлар учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Шаҳардаги хонадоннинг кадастр қиймати 300 млн. сўм, мулк майдони 540 кв. м.

ЕЧИМИ:

-Солиқ суммаси: $300\ 000\ 000 \times 0,49\ \% = 1\ 470\ 000$ сўм.

Тадбиркорлик фаолияти ёхуд тадбиркорларга ижарага беришда фойдаланиладиган солиқ солиш объектлари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти ва (ёки) даромад олиш учун мўлжалланган нотурар кўчмас мулк объектлари учун мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Нурафшон МФЙда жойлашган жисмоний шахсга тегишли савдо дўконининг кадастр қиймати 120 млн.сўмни, умумий майдони 40 кв. метрни ташиқил этади.

ЕЧИМИ:

-Нотурар жойнинг кадастр қиймати: 120 000 000 сўм.

-Мол-мулк солиғи ставкаси -1,5 %.

- Солиқ суммаси: $120\,000\,000 * 1,5\% = 1\,800\,000$ сўм.

Норматив муддатларда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан мол-мулк солиғини ҳисоблаш тартиби

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида жисмоний шахснинг яшаш учун мўлжалланмаган объекти (масалан мехмонхонаси) ушбу объектни қуришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда (2023 йил 1 январга қадар) қурилиши тугалланмаган.

ЕЧИМИ:

- Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан **солиқ ставкаси- 3 фоиз.**

- Кўчмас мулкнинг шартли баҳоси вилоят марказлари учун 42 млн*5 = **210 млн**

- Солиқ суммаси: $210\,000\,000 * 3\% = 6\,300\,000$ сўм.

Бир неча мулкдорларининг умумий улушли мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун солиқ ҳар бир мулкдор томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи календарь йил мобайнида бир мулкдордан бошқасига ўтган тақдирда, солиқ аввалги мулкдор томонидан шу йилнинг 1 январидан эътиборан у мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини йўқотган ойнанинг бошланишига қадар, янги мулкдор томонидан эса, унда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Ф. Раҳмонов ўзига тегишли бўлган умумий майдони 190 кв.метр, кадастр қиймати 85 млн. сўм бўлган турар жойини 2023 йил 21 февраль куни фуқаро С. Кенжаевга сотган.

Ушбу мулк бўйича аввалги ва янги мулк эгалари томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?

ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $85\,000\,000 * 0,28\% = 238\,000$ сўм

Мулкнинг аввалги эгаси фуқаро Ф. Раҳмонов 1 ой (2023 йил январь учун) мулк солиғи тўлайди: $238000 / 12 * 1 = 19\,833$ сўм

*Мулкнинг янги эгаси фуқаро С. Кенжаев 11 ой учун (февраль-декабрь) мулк солиғи тўлайди: $238\ 000 / 12 * 11 = 218\ 166$ сўм*

Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ мулк ҳуқуқи юзага келган ойдан эътиборан тўланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро А. Сафаров янги қурган уйини 2023 йил ноябрь ойида давлат рўйхатидан ўтказди ва унда ушбу уй бўйича мулк ҳуқуқи ушбу ойда юзага келди. Мулкнинг кадастр қиймати 60 млн. сўм. Умумий майдони 160 кв. метр.

Ушбу мулк бўйича А. Сафаров томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?

ЕЧИМИ:

*Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $60\ 000\ 000 * 0,28\% = 168\ 000$ сўм*

*Фуқаро А. Сафаров 2 ой (2023 йил ноябрь-декабрь учун) мулк солиғи тўлайди: $168\ 000 / 12 * 2 = 28\ 000$ сўм*

Мерос бўйича ўтган мол-мулк учун солиқ меросхўрда мулк ҳуқуқи вужудга келган ойдан эътиборан тўланади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Р. Шодмоновга 2023 йил август ойида умумий майдони 170 кв.метр, кадастр қиймати 64 млн. сўм бўлган турар жойга (отасидан мерос қолган) нисбатан мерос ҳуқуқи юзага келди.

Ушбу мулк бўйича Р. Шодмонов томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?

ЕЧИМИ:

*Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $64\ 000\ 000 * 0,28\% = 179\ 200$ сўм*

*Фуқаро Р. Шодмонов 5 ой (2023 йил август-декабрь учун) мулк солиғи тўлайди: $179\ 200 / 12 * 5 = 74\ 667$ сўм*

Изоҳ: отасининг қарзи ҳам меросхўрдан ундирилади.

Солиқ солиш объекти йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган тақдирда, солиқни ундириш мол-мулк йўқ қилинган, вайрон бўлган ёки бузиб ташланган ойдан эътиборан тугатилади. Солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган йўқ қилинганлик, вайрон бўлганлик ёки бузиб ташланганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, амалга оширилади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро М. Эгамбердиевнинг уйи ҳоким қарорига асосан марказий кўчаларни кенгайтириш мақсадида 2023 йил июль ойида бузиб ташланди.

Мазкур уйнинг кадастр қиймати 60 млн. сўм. Умумий майдони 170 кв. метр.

Ушбу бузилган мулк бўйича М. Эгамбердиев томонидан тўланадиган солиқ суммасини топиш керак?

ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $60\ 000\ 000 * 0,28\% = 168\ 000$ сўм

Фуқаро М. Эгамбердиев уй бузулгунга қадар 6 ой (2023 йил январь-июнь учун) мулк солиғи тўлайди: $168\ 000 / 12 * 6 = 84\ 000$ сўм

Календарь йил мобайнида имтиёзларга бўлган ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) тақдирда, солиқни қайта ҳисоб-китоб қилиш ушбу ҳуқуқ вужудга келган (тугаган) ойдан эътиборан амалга оширилади.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛА:

Фуқаро Ш. Панжиев 2023 йил февраль ойида пенсияга чиққан. Унинг квартираси умумий майдони 40 кв.метр, кадастр қиймати 44 млн. сўм. Ушбу пенсионерга қачондан имтиёз қўлланилади ва қанча миқдорда солиқ тўлайди?

ЕЧИМИ:

Ушбу кўчмас мулк бўйича йиллик мол-мулк солиғи суммаси: $44\ 000\ 000 * 0,28\% = 123\ 200$ сўм

Имтиёз февраль ойидан қўлланилади (мулк солиғидан озод қилинади).

Фуқаро Ш. Панжиев 1 ой (2023 йил январь учун) мулк солиғи тўлайди: $123\ 200 / 12 * 1 = 10\ 267$ сўм

Солиқни тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномаси солиқ органлари томонидан солиқ тўловчиларга имзо қўйдирилган ҳолда ёки тўлов хабарномаси олинганлигини ва олинган санани тасдиқловчи бошқа усулда ҳар йили 1 мартдан кечиктирмай топширилади.

Солиқ даври учун солиқни тўлаш тенг улушларда 15 апрелга ва 15 октябрга қадар амалга оширилади.